# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • www.xs.uz • E-mail: info@xs.uz • 2018 йил 13 ноябрь, № 234 (7192) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## 2019 ЙИЛДА РАСМИЙ САНАЛАРНИ НИШОНЛАШ ДАВРИДА ҚЎШИМЧА ИШЛАНМАЙДИГАН КУНЛАРНИ БЕЛГИЛАШ ВА ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

2019 йилда фуқароларнинг расмий саналарни нишонлаш даврида тўлиқ дам олиши учун шароитлар яратиш, дам олиш ва байрам кунларидан оқилона фойдаланишини таъминлаш мақсадида:

1. 2019 йилда қуйидаги қўшимча дам олиш кунлари белгилансин:

2 январь — чоршанба;
22 март — жума;
2 сентябрь — душанба.

2. 2019 йилда қуйидаги дам олиш кунлари кўчирилсин:

5 январь — шанба 3 январь — пайшанбага;
1 июнь — шанба 6 июнь — пайшанбага;
7 сентябрь — шанба 3 сентябрь — сешанбага;
28 декабрь — шанба 31 декабрь — сешанбага.

3. Белгилаб қўйилсинки:

бюджет ташкилотларида ушбу Фармоннинг 1-бандида белгиланган қўшимча дам олиш кунлари ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини уч иш кунига қисқартириш ҳисобига қопланади;

ҳар йилги меҳнат таътили даврида сақланадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисоблашда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисобга олинади, унга ушбу Фармонда белгиланган қўшимча дам олиш кунлари қўшилади;

ҳар йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги қисқартириш ҳисобга олинган ҳолда ўн беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак;

бюджет ташкилоти ҳисобланмаган ташкилотларда ушбу Фармоннинг 1-бандига мувофиқ қўшимча дам олиш кунлари меҳнат таътилига қўшимча бошқа кунлар билан бир қаторда молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, жамоа шартномалари ёки иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси қўмиталари билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал норматив ҳужжатларда белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда байрам (ишланмайдиган) кунларининг узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, республика аҳолиси учун ички туризм ва фаол дам олиш йўналишларини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари учун чегирмалар берилишини ҳамда акциялар ўтказилишини ташкил этсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

аҳолининг узайтирилган байрам (ишланмайдиган) кунларида мароқли ва фойдали дам олишини ташкил этиш бўйича тизимли чоралар кўрсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда байрам кунлари ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида аҳолини кенг хабардор қилишни таъминласин.

6. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига:

меҳнат жамоалари ўртасида ушбу Фармоннинг мақсади, мазмун-моҳияти тўғрисида тушунтириш ишларини ташкил этиш;

узайтирилган байрам кунларида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг мароқли дам олишини таъминлаш юзасидан касаба уюшмалари ташкилотларининг ишини фаоллаштириш тавсия этилсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 12 ноябрь

# «ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ»

### Қуйи Чирчиқда шу номда намунали шаҳарча ташкил этилди.



*Жорий йилнинг май-июнь ойларида республика ишчи гуруҳи томонидан Қуйи Чирчиқ туманидаги мавжуд ҳолат ўрганилиб, унда ёшларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ва тадбиркорликка бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш бўйича қатор лойиҳаларни рўёбга чиқариш вазифалари белгилаб олинган эди.*

*Эртамиз эгаларини қийнаб келаётган 1,5 мингдан ортиқ муаммоларнинг 66 фоизи жойида ҳал этилди. Қолганларини ҳам бартараф қилиш чоралари кўрилди.*



Бунёдкорлик






Эътиборлиси, мутахассислар ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ва турмуш шароитидан келиб чиқиб, маҳаллаларга ташхис қўйишди. Натижада 13 та маҳалла “оғир”, 18 таси “қониқарсиз” ва 6 та маҳалла “қониқарли” деб баҳоланди. Бу маҳаллаларни босқичма-босқич “яхши” тоифага ўтказиш мақсадида 14 та йиғинда “Yoshlar mehnat guzari” ташкил этиш, шу орқали 1239 нафар йигит-қизнинг бандлигини таъминлаш белгиланди.

Орадан ўтган қисқа вақт мобайнида амалга оширилган кенг қўламли саъй-ҳаракатлар натижасида 116 нафар ёшга тадбиркорлик қилиши учун 2,3 миллиард сўм кредит маблағи ажратилди. Шунингдек, туман ҳокимлиги ҳузурида “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси очилиб, унга бюджет ҳисобидан 500 миллион, бошқа манбалардан 2 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ йўналтирилди. Бу маблағ бир қатор ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда қўл келди.

→ 2

Парламент ҳаёти

## Депутатлар Давлат бюджетини аҳоли билан кенг муҳокама қилмоқда

*Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатлар томонидан Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг жорий йил 9 ойлик якунлари бўйича ижроси кенг муҳокама қилиняпти. Парламент депутатлик корпуси бутун юртимиз бўйлаб, ҳудудларда бўлиб, ўз сайловчилари, одамлар билан юзма-юз мулоқот қилиш асносида уларга мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати ҳақида маълумот бермоқда, халқимизнинг фикрини ўрганяпти.*

— Мен иккинчи бор Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида фаолият олиб бораётган бўлсам, айнан бу гал Китоб туманидаги “Пахтаобод”, “Алақўйлиқ” ҳамда “Чармгар” маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси билан учрашувлар ўтказиш жараёнида сайловчиларнинг кейинги икки йилда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси сезиларли даражада ошганини чуқур ҳис қилдим, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қаҳрамон Эргашев. — Буни уларнинг ўзи сайлаган депутатга бераётган дадил саволлари, ўткир масалаларни ўртага ташлаётганидан ҳам яққол билиш мумкин. Айниқса, юртдошларимизнинг Давлат бюджети ижросига қизиқиши ортган. Давлатимизнинг аҳоли ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор билан қараётгани, одамларнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида маблағни аямаётганидан хурсанд.




→ 2

Ҳамкорлик

## Барқарор ривожланиш мақсадлари

### Уларнинг муҳим жиҳатлари халқаро экспертлар томонидан таҳлил этилмоқда.

Пойтахтимизда “Барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадларни амалга ошириш ва мониторинг қилиш: Марказий Осиёнинг бешта мамлакати, Озарбайжон ва Грузияни қўллаб-қувватлаш” мавзуида халқаро экспертлар форуми бўлиб ўтяпти.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон, Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон давлатлари вазирлик ва идораларидан 70 дан ортиқ мутахассислар, халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашмоқда.

Маълумки, Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) қашшоқликни тугатиш, сайёрамизни асраб-авайлаш, барча одамлар учун тинчлик ва юксалишни таъминлаш бўйича амалий ҳаракат қилишга қаратилган умумбашарий даъватдир. Улар БМТга аъзо давлатлар, жумладан, Ўзбекистон томонидан ҳам маъқулланган. БРМ 2030 йилгача бажарилиши зарур бўлган 17 та мақсад ҳамда 169 та вазифани қамраб олган.

→ 3

## Қисқа сатрларда

Пойтахтимизда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Халқаро бизнес ва технологиялар ассоциацияси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган Глобал тадбиркорлик ҳафталиги бошланди. Маҳаллий ҳамда хорижий ишбилармонлар, бизнес ва экотизим соҳаси мутахассислари қатнашаётган тадбир доирасида машғулот, тақдимот, маҳорат сабоқлари, муҳокамалар, онлайн мулоқотлар, b2b форматдаги учрашувлар, теле-мулоқотлар бўлиб ўтади.

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита томонидан “Ҳаж — 2018” якунлари ва янги мавсумга тайёргарликнинг боришига бағишланган брифинг ўтказилди.**

Андижон туманида шприц ва тиббиёт соҳасида қўлланиладиган бир марталик халат ишлаб чиқарувчи корхона фаолият бошлади. Бир йилда 120 миллион дона шприц тайёрлаш қувватига эга бу саноат субъектида 110 нафар мутахассис меҳнат қилмоқда. Дастлабки босқичда 11 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаётир.

**Нукусда Ўзбекистон — Туркия “Саломатлик ҳафталиги” бўлиб ўтди. Унинг доирасида 600 нафарга яқин беморлар тиббий кўрикдан ўтказилди, 200 га яқини операция қилинди. Оғир жарроҳлик амалиётига эҳтиёжи мавжуд юртдошларимиз эса Туркияга бориб даволанадиган бўлди.**

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

Инсон қадри улуғ

## «Орзулар рўёбидан чексиз мамнунмиз»

*Инсон кўнгли нозик. Турли сабаблар билан ногирон бўлган ва оқибатда ҳаёт синовларини бошдан кечирган одамлар қалби янада ҳарирдир. Шу боис бундай кишиларга халқимиз доимо алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келган. Кейинги йилларда бу йўналишдаги эзгу ишларга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши туфайли қанчадан-қанча кўнгиллар шод бўлди.*

Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида бундай юртдошларимизни уй-жой ва иш билан таъминлаш ҳамда уларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалиётга изчил татбиқ этилмоқда. Жумладан, Сурхондарё вилояти шаҳар ва туманларида бу тоифа инсонлар учун уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани ана шундай юксак эътибор самарасидир.

Яқиндагина Термиз шаҳрининг Гулистон маҳалласида 18 оилага мўлжалланган 3 қаватли, Жарқўрғон туманининг Қораёғоч маҳалласида 2 қаватли, Термиз туманидаги 10 оилага мўлжалланган 2 сотихли арзон уй-жой берилиши яна ўнлаб инсонлар қалбига қувонч олиб кириши баробарида, уларда эртанги кунга ишонч, ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлади.

→ 2

## Адвокатура институти ваколатлари қонуний мустаҳкамланмоқда




*“Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади.*

*Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади”.*

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасидан.**

Сенатор минбари

Ҳаракатлар стратегиясининг “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари” йўналишида юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш ҳамда адвокат касбининг нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда мамлакатимизда адвокатларнинг профессионал фаолиятини таъминлаш учун зарур қонунчилик базаси яратилди.

→ 2

Нигоҳ

## Матбуот кўнгилларга нақшланади, тафаккурни бойитади



*Президентимизнинг юртимизда китобхонликни кучайтириш, китоб савдоси ҳамда кутубхоналар тизимидаги ишларни янада яхшилаш борасида қабул қилган қатор қарорлари, аввало, фарзандларимизни бундан-да билимдон, зукко, дунёқараши кенг инсонлар қилиб тарбиялашда улкан аҳамиятга молик тарихий воқеликдир, десак муболаға бўлмайди.*

Шу ҳақда сўз кетганда, ичимизда бир савол туғилади: хўш, китобхонлик нимадан бошланади ўзи? Ўзимизга савол берамизу беихтиёр болалик чоғларимиз эсга тушади.

Ёдимда — ҳали мактабга бормаган пайтларим эди, кунига маҳалла кезиб юрувчи почтачи тоға обуначиларнинг кўча эшиги тирқишига газета-журналларни қистириб кетар, агар кўчада ўйнаётган бўлсак, “Ҳў, фалончининг ўғли, ма, уйингга ташлаб чиқ”, деб уларни қўлимизга тутқазарди. Бошқаларни билмадим-у, мен газета-журналларни уйга олиб кирибоқ, ўқишни билмасам-да, бирма-бир варақлаб, суратларини томоша қилардим.

**Қалбларда мутолаага қизиқиш шаклланишида босма нашрларнинг аҳамияти улкан, улар кишини китобхонлик деб аталмиш фараҳбахш йўл сари етакловчи ойдин сўқмоқлардир.**

→ 3

# Депутатлар Давлат бюджетини аҳоли билан кенг муҳокама қилмоқда

1 ➡

Дарҳақиқат, учрашувларда таъкидланганидек, давлатимизнинг кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ёки ногиронлиги бўлган юртдошларимизни уй-жой билан таъминлашга катта аҳамият қаратилмоқда. Республикамизда кенг қулоч ёзган хайрли ташаббус — чекка-чекка қишлоғу овулларгача замонавий, ихчам, арзон уй-жойлар қурилиб, шундай одамларга берилаётгани халқимизнинг давлатдан рози бўлиб яшашига замин яратяпти. “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” каби моҳияти жиҳатидан улкан дастурлар амалга оширилаётгани одамларнинг нафақат турмуш тарзини, балки дунёқарашини ҳам тубдан ўзгартириб юбормоқда.

Агар таг-замирини сўрасангиз, буларнинг барчаси мамлакатимиз бош молиявий ҳужжати — Давлат бюджетига бориб тақалади. Шу боис депутатлар сайловчилар билан учрашувларда, аввало, Давлат бюджетининг 2018 йил 9 ойи якунлари бўйича ижроси мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтирмоқда. Давлат бюджети маблағларининг асосий қисми фуқароларимиз кўпроқ манфаатдор бўлган жабҳа — ижтимоий соҳаларга йўналтирилган. Тиббиёт соҳаси дейсизми, таълим, фуқароларнинг ижтимоий муҳофазаси дейсизми — барчасига бош молиявий ҳужжатда устувор аҳамият қаратилган. Буни Давлат бюджети маблағларининг қарийб 60 фоизи айнан мазкур соҳага йўналтирилаётгани мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Шу боис бу каби учрашув ва мулоқотлар аҳолининг Давлат бюджети шаклланиши ва бажарилишида иштирокини янада кенгайтириш, пировардида мамлакатнинг бош молиявий ҳужжати бажарилиши устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлашга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 65-Сайхун сайлов округидан сайланган депутат Комилжон Эрназаров бугунги кунда давлатимизнинг ҳам, халқимизнинг ҳам фаровонлигига бевосита дахлдор бош молиявий ҳужжат — Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2018 йил 9 ойлик якунлари бўйича ижроси хусусида сайловчиларга сўзлаб берар экан, одамларни, энг аввало, қизиқтирадиган масала — Давлат бюджетининг ижтимоий соҳага йўналтирилаётган харажатлари йилдан-йилга ошиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Давлат бюджети даромадлари 54 132,4 млрд. сўмни ташкил қилгани ва ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 52,1 фоизга ўсгани, белгиланган 46 969,4 млрд. сўм режа 7 163,0 млрд. сўмга ортиғи билан ёки 115,3 фоизга бажарилгани халқимизнинг турмуш шароитини янада яхшилашда муҳим омил бўлганини қайд этди.

Дарҳақиқат, Давлат бюджетидан биргина ижтимоий соҳага 28 893 млрд. сўм (жами харажатларнинг 53,4 фоизи) ажратилгани, ижтимоий харажатларнинг эса асосий қисми — 13 633,9 млрд. сўми (47,2 фоизи) таълим соҳасига йўналтирилгани диққатга моликдир. Буларнинг барчаси қилинган, якуни чиқарилган ишларга оид рақамлар, албатта. Лекин йил охиригача ишлар янада жонланиши, йил якуни салмоқлироқ бўлиши кишини янада қувонтиради.

— Поёнига етиб бораётган йилда солиқ сиёсатида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида бюджет даромадлари режа кўрсаткичлари ортиғи билан таъминланиб, бюджет харажатлари 2017 йилдагига нисбатан 60 фоиз ёки 29 трлн. сўмга ошгани оддий одамлар ҳаётида қандай ўзгариш ясаши сайловчиларни қизиқтириши табиий, — дейди депутат Комилжон Эрназаров. — Шу боис бу халқимизга нима бериши, одамларнинг кундалик турмушида қандай ўзгаришларга замин яратиши хусусида аниқ далиллар билан гапиришимиз мақсадга мувофиқ. Ахир айнан шу маблағлар ҳисобидан “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Yoshlar — kelajagimiz”, “Ҳар бир оила — тадбиркор” каби муҳим Давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Арзон уй-жойлар қурилиши молиялаштирилаётир. Қишлоқларимиз, маҳаллаларимиз замонавий қиёфа касб этиб, маиший шароитлари яхшиланмоқда, одамларнинг оғири енгил бўлмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг Навоий вилояти маҳалла фуқаролар йиғинлари, корхона ҳамда ташкилот, таълим муассасалари, аҳоли хонадонлари ва бошқа ижтимоий соҳа объектларида сайловчилар билан учрашувлари ҳам қизғин ўтди.

— Бундай юзма-юз мулоқотлар ҳудудларда янги иш ўринларининг яратилиши, меҳнат ҳамда бандлик муносабатлари, меҳнат бозоридаги аҳвол, пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақалар тўланиши каби аҳолини ўйлантириб келаётган масалалар ҳақида етарлича маълумотга эга бўлишимизда асқатмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Козим Тожиев. — Шу боис учрашувларда 2018 йил 9 ойлик якунлари бўйича Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси ҳамда мазкур жабҳаларга ажратилиши кўзда тутилган маблағлар, мамлакатимизнинг келгуси йилга мўлжалланган бош молиявий ҳужжатида бу масалаларга қандай эътибор қаратилиши ҳақида маълумот беряпмиз. Бюджетга доир позициямизни билдиряпмиз. Шу билан бир қаторда, аҳолининг таклифларини ҳам ўрганяпмиз.

Баҳор, Умид ва Тинчлик маҳаллаларидаги учрашувларда ҳам айни жиҳатларга эътибор қаратилди.

Умуман олганда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудлардаги бу каби учрашувлари давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган, чуқур ўйланган, ижтимоий йўналтирилган иқтисодий сиёсат самарали кечиши учун ўз ваколатларидан фойдаланиб, бюджет маблағларининг шаклланиши ҳамда сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга киришганидан далолатдир.

**«Халқ сўзи» мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.**



# «ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ»

## Қуйи Чирчиқда шу номда намунали шаҳарча ташкил этилди.

1 ➡

Шуларга мос равишда “Мингчинор”, “Балиқчи” ва “Уччинор” маҳалла фуқаролар йиғинларида “Yoshlar mehnat guzari” комплекслари қурилиши бошлаб юборилди. Биргина Уччинор маҳалласида “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури асосида фойдаланишга топширилган “Ёшлар — келажагимиз” дея номланган шаҳарчада бир йўла 120 нафар ёш ишли бўлди. Бу ерда “Баркамол авлод” болалар бадиий ижодиёт маркази, “Yoshlar mehnat guzari”, мактабгача таълим муассасаси, савдо мажмуаси, дорихона, гўзаллик салони, тиббий хизмат кўрсатиш хонаси, ўйин ва спорт майдончалари мавжуд.

Шаҳарчанинг фойдаланишга топширилиши катта тантанага айланди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда қатнашган давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари уни республикамиздаги биринчи ва энг намунали шаҳарча, деб баҳолашди.

Дарҳақиқат, бу ердаги ҳар бир объект эътиборга лойиқ. Масалан, тикув цехи фаолиятини олайлик. Унда, асосан, кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилалар вакиллари меҳнат қилмоқда. Ишчилар учун барча шарт-шароит яратилган. Улар “ақлли” тикув машиналарида буюртмаларни тез ва сифатли бажаришмоқда.

— Цехимиз очилиши билан буюртма ҳам кўпайиб кетди, ҳозир аёллар учун қишки кийимлар тикяпмиз, — дейди цех устаси Ойгул Шакимова. — Буни тугатгач, 34 мингта нимча тайёрлашга киришамиз. Қисқаси, бу ерда меҳнат қилаётганларнинг ҳаммаси хурсанд.

Ҳудуддаги “Баркамол авлод” болалар бадиий ижодиёти маркази ҳам энг гавжум масканлардан биридир. Унда 10 дан ортиқ тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Бу ерга тумандаги бир қатор мактаблар ўқувчилари, Равнақ, Уччинор, Хўжа аҳоли пунктлари ёшлари жалб қилинган. Марказдаги компьютерлар пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига уланган ва ёшларимиз 1200 та электрон китобни ўқиш имконига эга. Адабиётларнинг ўзи эса бу рақамдан ўн баробар кўп. Ёшлар қарийб минг номдаги адабиётлардан баҳраманд бўлмоқда. Буларни “Тошкент” ва “Янгийўл” ёғ-мой комбинатлари совға қилган. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан берилган 11 дона компьютер оптик толали юқори тезликдаги интернет тизимига уланган. Энг муҳими, бу ерга келаётган навқирон авлод беҳад мамнун.



Шаҳарчадаги мактабгача таълим муассасаси ҳам ҳавас қиладиган даражада. Бу ерда болажонлар учун барча шарт-шароит мавжуд.

Ўз навбатида, “Ёшлар — келажагимиз”да намунали лойиҳа асосида 10 та турар-жой барпо қилинди. Улар кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар вакилларига берилди. Хонадонлар ҳомийлар томонидан жиҳозланган.

Умуман олганда, бундан беш ой олдин республика ишчи гуруҳи ушбу тумандаги муаммоларни ўрганиш жараёнида бирорта маҳаллани “яхши” тоифага киритмаганди. Бугун эса Уччинор маҳалласида барпо этилган бу мўъжаз шаҳарча юртимиздаги энг намунали, дея таърифланиши ҳеч кимни беэътибор қолдирмаслиги, шубҳасиз.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Адвокатура институти ваколатлари қонуний мустаҳкамланмоқда

1 ➡

Лекин амалиёт ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, адвокатура ҳуқуқни ҳимоя қилувчи институт сифатида ҳанузгача одамларимиз ишончини тўла қозонмаган, адвокатларнинг самарали фаолият юритишига салбий таъсир қилаётган айрим омиллар мавжуд. Президентимизнинг “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ушбу камчиликларни бартараф этишда дастуриламал бўляпти.

Бинобарин, мазкур Фармоннинг ижроси бўйича “Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди ва яқинда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланди.

Қонунда адвокатура институти фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар ҳал этилди. “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунга бир қатор янгиликлар киритилди. Энг аввало, адвокат сўрови институти қоидалари кенгайтирилди. Унга кўра, адвокат малакали юридик ёрдам кўрсатиши учун зарур бўлган маълумотнома, тавсифнома ва бошқа ҳужжатларни тақдим этишни сўраб давлат органлари ёки бошқа ташкилотларга сўров юбориши мумкин.

Ўз навбатида, сўралган маълумотлар ўн беш кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозимлиги белгиланди.

Шу ўринда яна бир янгиликни қайд этиш жоиз. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 283-моддасидаги Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайдиган ҳолларга оид норма ҳам такомиллаштирилди. Маълумки, транспорт воситаси орқали содир этилган йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши махсус автоматлаштирилган фото ва видео воситалари орқали қайд этилган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайди. Эндиликда адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилинган тақдирда ҳам адвокат маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузмасдан ўз аризасида ҳуқуқбузарнинг шахси тўғрисидаги маълумотларни, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни, вақтни ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳиятини, шунингдек, ишни ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни кўрсатган ҳолда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

“Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг “Адвокат мақомига эга бўлиш” деб номланган моддасига кадрлар масаласи билан боғлиқ янги норма киритилди. Бу, аввало, адвокатлик лицензиясини олиш билан боғлиқ. Бунинг учун талабгор шахс юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлиши, шу жумладан, адвокатлик тузилмасида (яъни адвокатлик бюросида, адвокатлик фирмасида, адвокатлар ҳайъатида, юридик маслаҳатхонада) камида олти ой муддат стажировка ўтаб, малака имтиҳонини топширар эди. Эндиликда бу олти ой муддат уч ойга қисқартирилди.

Шу билан бирга, давлат корхона, муассаса ва ташкилотларининг юридик хизмати ходими сифатида, қолаверса, судья, терговчи ёки прокурор лавозимида камида уч йил юридик мутахассислик бўйича иш стажига эга бўлган шахслар адвокатлик тузилмасида стажировкадан ўтмасдан малака имтиҳонида иштирок этишга ҳақли экани белгиланди.

Ваҳолонки, ҳозирги кунда судья, прокурор лавозимида 20 — 25 йил хизмат қилиб, катта билим ва тажриба орттирган мутахассислар ҳам лицензия олиш учун адвокатлик тузилмасида камида ярим йил стажировка ўтаган бўлиши кераклиги хеч бир мантиққа тўғри келмасди. Яъни бу норманинг зарурати йўқ эди.

Бундан ташқари, адвокатларнинг консалтинг хизмати, яъни маслаҳат бериш ва тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолиятини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида адвокатларга асосий иши билан бирга қўшимча фаолият юритиш учун ҳам қатор имкониятлар яратилганини айтиб ўтиш жоиз. Мисол учун, бугунги кунгача адвокатлар ҳақ тўланадиган ишлардан фақат, илмий ва педагогик фаолият, Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларида фаолият юритиши мумкин эди. Қонун билан адвокат иш олиб бориши мумкин бўлган соҳалар кўпайди. Патент вакили, медиатор, давлат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг юридик хизмати ходими, ҳакамлик судларида ҳамда халқаро тижорат арбитражларида судья сифатида фаолият юритиши қонуний асосланди.

Бу нима билан боғлиқ? Кўплаб давлат органлари ва бошқа ташкилотлар малакали юридик хизматга муҳтож. Киритилган норма давлат органлари ва бошқа ташкилотларга малакали адвокатларни юридик хизмат кўрсатиш штати бўйича ходим сифатида жалб қилишга имкон беради.

Қонуннинг 6-моддасига адвокатнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ аҳамиятли норма киритилди. Адвокат касбий фаолиятини амалга ошириш чоғида янги ҳуқуқларга, жумладан, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки терговни ўтказиш ва ишни судда кўриб чиқиш чоғида ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқаётган органлар ва бошқа ваколатли органларда маъмурий ёки жиноий иш материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек, баҳоланиши лозим бўлган далилларни тўплаш ва тақдим этиш кабилардир. Мазкур қўшимча адвокатларнинг ваколатларини қонунчилик даражасида мустаҳкамлашга қаратилган.

Шу билан бирга, Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддасига киритилган ўзгартишга асосан, ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этишга ҳақли бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриш жараёнида мажбурий баҳоланиши лозим.

Қонунга асосан, Адвокатлар палатасининг раиси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш бўйича мажлисларида иштирок этиш ва улар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришга ҳақли экани кўрсатилди. Адвокатлар палатаси раисига бундай ҳуқуқнинг берилиши адвокатура институтининг обрў ва мақомини сезиларли даражада кўтаради, албатта.

Умуман айтганда, адвокатура институтининг кучайтирилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда кўрсатиладиган юридик хизматлар сифатининг яхшиланишига ҳамда амалда мазкур идоралар нуфузининг янада ошишига хизмат қилади.

**Ботир МАТМУРОДОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси.**

# «Орзулар рўёбидан чексиз мамнунмиз»

1 ➡

— Турмуш ўртоғим ва икки фарзандим билан кўп йиллардан буён ижарада яшаб келаётгандик, — дейди биринчи гуруҳ ногирони, термизлик Ў. Хўжамбердиев. — Ўз уйим бўлишини орзу қилардим. Аммо унга қандай эришаман, очиғи, бунга ақлим етмасди. Ахир топганимиз рўзғордан ортмасди-да. Уй қуришга йўл бўлсин. Бахтимизга яхши одамлар бор. Оилавий аҳволимизни ўрганган шаҳар ҳокимлиги вакиллари уй билан таъминланишимизни айтишди. Барча қулайликка эга уч хонали квартирага кўчиб ўтарканмиз, севинчдан кўзимга ёш келди. Бизни эъзозлаб, ғамхўрлик қилаётган Юртбошимиздан миннатдормиз.

— Аҳоли сони ва оилаларнинг уй-жойга эҳтиёжи ўсиши ҳисобга олиниб, вилоят бўйича 21 минг 388 та оилага томорқа берилди, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлуда Қобулова. — Бундан ташқари, ҳозирга қадар вилоятимиздаги оғир турмуш шароитида яшаётган 237 нафар хотин-қиз уй билан таъминланди. Муҳими, ногиронлиги бўлган фуқароларга топширилаётган уй-жойларнинг бошланғич тўлови давлат томонидан тўлаб беріляпти. Уларнинг ҳаммаси касаначилик фаолиятига жалб этилган, кредит тўловларини ўзлари тўламоқда.

Бундай эзгу ишлар Қашқадарё вилоятида ҳам қизғин давом эттирилаётир. Масалан, Шаҳрисабз шаҳрининг Зингирон маҳалласида истиқомат қилувчи Зуҳра Боқиеванинг бир нафар фарзанди ва турмуш ўртоғи ногирон. Бунинг устига, доимий яшаш жойи йўқлиги боис кўп йиллар ижарама-ижара саргардон бўлди. Президентимиз томонидан тасдиқланган дастур асосида бу оилага 4 хонали, 2 сотих ҳовлили тураржой берилди. Шинам уйга кўчиб ўтган оила вакилларининг қувончини сўз билан ифодалаш қийин. Хонадон эгалари шукрона айтиш баробарида, шу хайрли иш бошида турган инсонларни алқамоқдалар.

— Ўзим ҳар қанча ҳаракат қилганим билан уйли бўлолмасдим, — дейди у. — Ногиронлиги бор фарзандим ва турмуш ўртоғимга қарашдан орттириб, уй олиб бўлarканми?! Кўп йил ижарада яшаб, охири бўлмагандан кейин отамникида бешинчи хўжалик бўлиб турдик. Маҳалла фаоллари шароитимизни ҳисобга олиб, янги уйга тавсия қилишди. Тез орада тураржой берилди, шундан буён, рости, бамисоли осмонда учиб юрибман.

Яна бир мисол: Косон туманидаги Ўрта Оброн қишлоғида яшовчи биринчи гуруҳ ногирони Раъно Фармонова уч нафар фарзанди, келини ва уч невараси билан яқин-яқингача ижарада кун кўрарди. Ниҳоят унинг ҳам орзуси рўёбга чиқди, октябрь ойида оила аъзолари билан янги уйга кўчиб ўтишди. Натижада ушбу оила ҳаётига мазмун кирди, фарзандлари кўзларида умид ва ишонч учқунлари порлади.



Жонибек КЎЗИМУРОДОВ олган сурат.







— Бу ҳали ҳаммаси эмас, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Махсуда Мустафаева. — Махсус дастурга кирмаган 70 нафар ногиронлиги бўлган шахслар давлат томонидан уй-жой билан таъминланди. Давлат ва маҳаллий ҳокимият томонидан шундай оилаларни қўллаб-қувватлаш учун 1 миллиард 255 миллион сўм маблағ ажратилди. Уни ногиронлиги бўлган фуқароларга берилаётган уйларнинг бошланғич тўловини тўлаш, яшаб турган уйини таъмирлаш юмушларига йўналтиряпмиз.

Умуман, бугун юртимизнинг қайси ҳудудига борманг, ҳар гўшада олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига ҳамоҳанг тарзда ногиронлиги бўлган инсонларни қўллаб-қувватлаш, энг аввало, уларнинг узоқ йиллик орзуларини рўёбга чиқариш, яъни ўз уйига эга бўлиб, шу масканда тўкис ҳаёт кечириши учун шароит яратиш иши кун сайин кенг қулоч ёзиб бораётганига шоҳид бўласиз. Шу онда Навоий ҳазратларининг шоҳ байти хаёлдан ўтади:

*Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,*
*Онча борким, Каъба вайрон ўлса, обод айлагай.*

**Илҳом РАҲМАТОВ, Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Барқарор ривожланиш мақсадлари

## Уларнинг муҳим жиҳатлари халқаро экспертлар томонидан таҳлил этилмоқда.



1 ➡ Иштирокчиларнинг фикрича, мамлакатимизда бу борада самарали чора-тадбирлар олиб борилляпти ва улар муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, шу йил октябрь ойида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар ҳамда "йўл харитаси" тасдиқланиб, уларни амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Бу Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган бешта устувор йўналиш доирасидаги ислоҳотларни жадаллаштиришга қаратилган.

Масалан, унда 2030 йилгача Ўзбекистонда аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пасайтириш, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда, икки баравар ўсишини таъминлаш, ёшлар ўртасида ишсизлик даражасини сезиларли камайтириш назарда тутилган. Ўз навбатида, оналар ўлими кўрсаткичини учдан бир бараварга қисқартириш, чақалоқлар ва беш ёшгача бўлган болалар орасида ўлимни икки бараварга камайтириш, сифатли таълим билан таъминлаш ижтимоий соҳадаги муҳим вазифалар қаторида ифодаланган. Энергетика ва атроф-муҳит муҳофазаси тизимида эса тикланувчи манбалардан олинадиган энергия улушини кўпайтириш, чиқиндилар ҳосил бўлишининг олдини олиш, қайта ишлаш ва такрорий фойдаланиш бўйича чораларни қабул қилиш орқали уларнинг ҳажмини жиддий равишда қисқартириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Коррупциянинг олдини олиш, барча даражадаги давлат органлари шаффофлиги ва ҳисобдорлигини ошириш, қарорлар қабул қилиш жараёнларида фуқаролар иштирокини кенгайтириш бошқарув ва қонун устуворлиги йўналишидаги миллий мақсадлар сирасида кўрсатиб ўтилган.

Бинобарин, бу борада халқаро шерикларнинг эксперт, техник ва молиявий кўмаги, бошқа давлатларнинг илғор амалиётини ўрганиш, ҳамкорликни фаоллаштириш долзарб ўрин тутади. Мазкур учрашув ҳам Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ минтақаси мамлакатлари экспертлари учун ўзига хос мулоқот майдонига айланди. Унда иштирокчилар БРМни татбиқ этишга доир миллий тажрибалар билан ўртоқлашдилар.

Жумладан, "Озарбайжон — 2020: келажакка назар" концепциясида барча соҳани равнақ топтириш сиёсатининг асосий стратегик мақсадлари қамраб олинган. Улар мақсадли давлат дастурлари воситасида амалга ошириляпти. Грузияда эса "Дунёимизни ўзгартириш: 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳаси кун тартиби" номли ҳужжат қабул қилинган. У 17 та глобал мақсад ва 169 та тегишли вазифани ўз ичига олади. Қўшни Қозоғистонда эса 2050 йилгача Ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилган. Унда еттита, жумладан, иқтисодиёт, ижтимоий ва ташқи сиёсат жабҳаларида узоқ муддатли устувор йўналишларни рўёбга чиқариш кўзда тутилган. Қирғизистонда 2030 йилгача бўлган даврда БРМни жорий этиш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилган.

Анжуман давомида мутахассислар тажриба алмашиш билан бир қаторда, эҳтиёжларнинг икки турини аниқлаш бўйича иш олиб бормоқдалар. Хусусан, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳаси кун тартибидаги вазифаларни рўёбга чиқаришнинг самарали мониторинги ва ҳисоботини юритиш, устувор мақсадларга эришишни жадаллаштириш мақсадида стратегиялар ва дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш, мазкур жараёнларни техник қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинмоқда.

Бугун халқаро форум иши шуъба мажлисларида давом эттирилади.

## Сўз — форум иштирокчиларига

**Хелена ФРЕЙЗЕР,**
**БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили:**



— БМТ Ўзбекистон томонидан миллий мақсадлар ҳамда вазифалар қабул қилинганини юқори баҳолайди. Бу мамлакат раҳбариятининг келгусида ҳам барча соҳада барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун ислоҳотларни амалга оширишга содиқ эканлигидан далолат беради. БРМ мақсадлари ўзаро боғлиқдир. Комплекс ёндашув ҳамда миллий ҳамкорларнинг ҳамжиҳатлиги уларни муваффақиятли рўёбга чиқаришнинг асосий шартларидан бири саналади. Мазкур мезон Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 20 октябрдаги қарорида ҳам белгилаб қўйилган. Бу эса республика фуқаролари, жумладан, аҳолининг кўмакка муҳтож қатлами учун муносиб турмуш тарзини таъминлаш йўлидаги муҳим қадамдир.

**Ашита МИТТАЛ,**
**БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси вакили:**



— Бизнинг бошқарма БРМнинг мақсадли кўрсаткичлари бўйича трансмиллий уюшган жиноятчилик, терроризм, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш, ОИТС эпидемиясини, хусусан, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчилар ўртасида ҳам йўқ қилиш, соғлиқни сақлаш хизматлари умумий қамровини таъминлашга доир ҳисобот тайёрлаш ва мониторингини амалга оширишда минтақа давлатларини қўллаб-қувватлаб келяпти. Мазкур жараёнларда ёшларнинг иштирокига алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз. Зотан, улар Марказий Осиё аҳолисининг асосий қисмини ташкил этади. Ўзбекистон ОТМ талабалари БМТнинг Тошкент халқаро модели (TIMUN) ташаббусини амалга ошириш учун жалб қилингани, 2030 йилгача бўлган давр глобал кун тартибидаги масалалар муҳокамасида иштирок этгани бунинг тасдиғидир. Ёшлар келажак ислоҳотларининг нафақат фаол иштирокчилари, балки ижодкорлари ҳамдир. Уларга минтақа давлатлари экспертлари билан мулоқот қилиш, фикр алмашиш имконияти яратилгани эса айни муддао бўлди.

**Элчин НАСИБОЕВ,**
**Озарбайжон Адлия вазирлиги қонунчилик бошқармаси бошлиғи ўринбосари:**



— Мазкур халқаро учрашув тажриба алмашиш нуқтаи назаридан муҳимдир. Биз Барқарор ривожланиш мақсадларини миллий даражаларда амалга ошириш билан бевосита шуғулланиб келаётган ҳамкасбларимиз иштирокида энг яхши амалиётлар ҳамда иш услубларини кўриб чиқдик. Биз ўз тажрибамиз билан бўлишишга ҳамда қўшнилардан энг яхшиларини қабул қилишга, шунингдек, минтақавий ва халқаро миқёсдаги таҳдидларга биргаликда қарши курашишга тайёрмиз. Бизда ҳам худди Ўзбекистонда бўлгани каби БРМ бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилган, тегишли ишчи гуруҳлар ташкил этилган. Улар БРМни амалга ошириш юзасидан миллий кўрсаткичларни ишлаб чиқишга оид таклифлар тайёрлашаётир. Ўзбекистонда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар ҳамда "йўл харитаси" тасдиқланганидан хабарим бор. Мамлакатингизнинг бу борадаги тажрибаси биз учун қизиқ.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Саиджон МАХСУМОВ ёзиб олди.**

Динара ЧИРКОВА олган суратлар.



# Матбуот кўнгилларга нақшланади, тафаккурни бойитади

1 ➡ Булар орасида болаларга аталган нашрлар ҳам бўларди, опаларим уларни талашиб ўқиб, баъзи қизиқарли мақола ёки ҳикоялар мазмунини бир-бирига айтишга тушарди. Дадам кечки овқатдан сўнг газеталарга кўз ташлаб чиқар, айрим жойларини синчиклаб ўқий бошлар, у-бу янгиликлардан аям билан бувимни ҳам хабардор қилган бўларди. Шундай вақтда, қанийди, мактабга бориб тезроқ саводим чиқса-ю, буларни ўзим шариллатиб ўқий олсам, деб орзиқардим. Мутолаага нисбатан ички иштиёқ бизда шу зайл вужудга келганди.

Бу билан айтмоқчимизки, қалбларда мутолаага қизиқиш шаклланишида босма нашрларнинг аҳамияти улкан, улар кишини китобхонлик деб аталмиш фараҳбахш йўл сари етакловчи ойдин сўқмоқлардир. Зеро, янги китобларни тез-тез сотиб олиб туриш имкони бизда ё бўлади, ё бўлмайди.

**Ўзимиз обуна бўлган оммавий нашрлар эса деярли ҳар куни қўлимизга етиб келади, фикримизни мунтазам равишда чархлаб борамиз, энг муҳими — мутолаага бўлган кўникмамиз занглаб қолишдан асранади.**

Ҳозирги кунга келиб, газета-журналларнинг жамиятимиз ривожида тутган ўрни, кундалик турмушимиздаги зарурати нечоғлиқ экани борасида турлича фикрлар билдирилмоқда, баҳслар юзага келяпти. Бу яхши, албатта. Бундай мунозаралар бўлмаган жойда таҳририятларда изланувчанлик, журналистларда масъулият, мазмундорликка, рақобатда синмасликка интилувчанлик ўз-ўзидан сусайиб бораверишни табиийдир. Лекин босма нашрларнинг даври ўтди, энди тезкорликда тенгсиз ҳисобланмиш электрон ахборот воситаларининг замони келди, деган сўзларга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки хоҳ янгичаси бўлсин, хоҳ эскичаси, ҳар бир нарсанинг ҳаётда ўзигагина хос томони, ўзигагина мос вазифаси бор. Электр арра кашф этилганидан кейин дастарраларга бўлган зарурат йўқолиб кетмади, иккаласи ҳам ҳамон ўз жойида бирдек коримизга яраб келмоқда. Шундай экан, керакли тошнинг оғири йўқ деганларидек, жойида керакли бўлиб турган нарсага писандсиз муносабатда бўлиш тўғри эмас.

Маҳалламизда Турсунбой тоға деган киши бўларди, турли соҳаларга оид қонунлар, ҳукумат қарорларини газеталардан қирқиб олиб, сандиғининг бир четида асраб юрарди. Маҳаллада бирон-бир муаммо туғилса, ўша эски қирқимларни титкилаб, мавзуга мосини топиб, мана, ҳукуматимиз бу тўғрида мана бундай ҳужжатлар қабул қилган, деб, уларни маҳаллий идораларга пеш қилишга тушар, агар бирон киши чигал масалага дуч келиб қолса, э-э, ҳақ-ҳуқуқингни билмайдиган одам экансан, бу хусусдаги қонуннинг манави жойида бу нарса қандай ҳал қилиниши ёзиб қўйилган, деб унга йўл-йўриқ кўрсата бошларди.

Хўш, бугун ҳар бир тадбиркор, фермер, ҳунарманд кабилар, лоақал, ҳукумат уларга қандай имтиёзлар яратиб бераётганлигига оид янгиликлар мазмунидан хабардорми? Ё бўлмаса, у ёки бу ташкилот-муассаса раҳбарлари, жилла қурса, ўз соҳасига тегишли дастурий ҳужжатлар билан матбуот орқали мунтазам тарзда танишиб бориб, кундалик фаолиятида уларга таяниб иш юритишни одатга айлантириб олганми? Турли йўналишларга тааллуқли қонун ва қарорларни оддий фуқароларнинг қай бири матбуот нашридан қирқиб олиб, зарур пайтда ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қила олиш мақсадида сандиғида сақлаб юрибди?

Буларни ўқиб, кимдир эътироз билдириши мумкин — бунинг учун газеталарни сақлаш шарт эканми, ана, интернетдан керакли сайтларга, порталларга кириб, истаган пайтида ўқиб-билиб олаверсин. Шундай ўйлаётган бўлсангиз, демак, сиз шаҳарда истиқомат қиласиз, замонавий электрон ускуналарга эга ва улардан самарали фойдалана биладиганлар тоифасидансиз. Аҳолимизнинг каттагина қисми яшаётган қишлоқларда эса, компьютер кириб борган хонадонлар неча фоизни ташкил этишини айтиб ўтирмайлик, ҳатто тузуккина муассаса, хўжаликларнинг барчаси ҳам интернетга уланган бундай воситаларга эга дея олмаймиз. Қолаверса, аҳолимизнинг талай қисми ҳозирча ушбу ускуналарни ишлата билмаслигини, электр токи таъминотида узилишлар юз бериб турадиган шароитда бор компьютердан ҳам доимо фойдалана олиш имкони мавжуд эмаслигини-да назардан қочирмайлик. Аммо бу билан санаб ўтилган муаммолар ечимини топиб бораверса, пайти келиб, кундалик нашрларга барибир эҳтиёж қолмайди, демоқчи эмасмиз. Юқорида айтганимиздек, ҳар бир нарсанинг турмушимизда ўз ўрни бор, электрон воситалар ҳатто тоғу саҳроларда бизга дилкаш суҳбатдош бўла олгувчи китобнинг ўрнини босолмаганидек, чойхонаю сартарошхоналаргача кириб боргувчи газета-журналларнинг вазифасини ҳам тўлиқ бажаролмаслиги тайин.

Яна бир гап шуки, эндиликда "мажбурий обуна" деган янгича ибора пайдо бўлди. Ўрта таълим барча учун мажбурийлиги кабиларни сокингина қабул қилишга кўникиб кетган эсак-да, кўп вазиятларда "мажбурий" сўзи ишлатилиши биланоқ бир сесканиб тушамиз. Лекин мундоқ ўйлаб қаралса...

Йўқ, фалон ёки писмадон нашрга обуна бўлишинг шарт, дейдиганларга ён босишдан йироқмиз. Бироқ қайси йўналишдаги идора ходимлари, қайси касб эгалари ўз фаолияти учун зарур бўлган қандай газета-журналларга обуна бўлгани маъқуллигини тарғиб қилиш, зарур пайтда, уларнинг ўз савиясини ошириб боришини таъминлаш ниятида, юқори ташкилотлар томонидан зарур тавсиялар бериб туриш ҳам зиён қилмайди. Масалан, мактаб директори ўқитувчиларни йиғиб, ҳар ким ўз фанига оид нашрларга обуна бўлиши жоизлигини қатъийроқ йўсинда таъкидлаб ўтса, буни мажбурлаш эмас, муаллимлардан янада мустаҳкамроқ билимга эга бўлишни талаб қилиш, деб қабул этишимиз ўринлироқ, шекилли.

Умуман олганда эса, фуқароларининг бир қисми янгича тузум шароитида яшашга, фаолият юритишга етарлича кўникма ҳосил қилиб улгурмаган, эндигина қаддини ростлаб, бири-биридан улкан ислоҳотларни амалга оширишга дангал киришган мамлакатда ҳокимият ўз мақсад ва режалари моҳиятини оммага етказиб туришига, халқни бу йўлда бирдамлик, фидойиликка чорлашига, юксак марраларни забт этмоққа руҳлантиришига, айни чоғда, меҳнат аҳли фикри, таклифи, дарду муаммоларини очиқ айтиб бора олишига хизмат қилувчи кучли нашрга — эл билан мулоқот минбарига эга бўлиши, бу иш давлат томонидан қўллаб турилиши мақсадга мувофиқдир. Минбарни бой бериш — ташаббусни бой бериш дегани. Муҳим ва зарур ишларнинг ҳеч бирини бугун ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди, йўқса, эртага ўзимизга яна бир муаммо орттирган бўламиз.

Қишлоғимиздаги кекса ўқитувчи Эркин оға Иброҳимий, гапдан гап чиқиб, бир куни шундай деганди:

— Лоақал уч-тўрт хил газета-журналнинг тахлами сақланмайдиган идорани идора дейишга, эрталаб ишга киришишдан олдин газеталарга бир кўз югуртириб чиқишга одатланмаган раҳбарни раҳбар дейишга тилим бормайди. Қанийди, хонадонларимизнинг ҳар бирига, ҳеч бўлмаса, битта газета кириб турса. Кишиларимизнинг маънавиятини юксалтиришдаги энг самарали воситалардан биттаси — кундалик нашрлар.

Ҳовлисининг бир четидаги сўрида, истироҳат боғидаги узункурсида, поезд вагони ёки автобус салонида бири газета, бири журнал ўқиб ўтирган кишиларни кўрганимизда, ҳали уларнинг касби, насл-насабини билмай туриб, бошимизда ўз-ўзидан бир ўй чақнайди — зиёли одамга ўхшайди! Ниманингдир баҳосини ошириб, ниманидир ерга уриш ниятимиз йўқ, фақат шунчаки айтиб ўтмоқчимиз — компьютер қаршисида ўтирган ёки телефонини титкилаётган кишини учратганда қачон шундай хаёлга борганмиз?

Келинг, қай восита кўмагида бўлмасин, зиёга интилишдан чарчамайлик! Бу жудаям шавқли, бунинг фойдаси ҳам, аҳамияти ҳам беқиёс!

**Анвар ОБИДЖОН,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ шоири.**

Хабар

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 25 АВГУСТДАН 30 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 29 июлдаги 204-сон "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

***2018 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-3. (2018 йил 25 августдан кучга кирди).***

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 29 июлдаги 203-сон "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

***2018 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2456-3 (2018 йил 25 августдан кучга кирди).***

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизматининг 2018 йил 24 августдаги 58, 50-ққ, 7-сон "Енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш, уни рўйхатга олиш ва рухсатноманинг амал қилишини бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори.

***2018 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3059. (2018 йил 26 августдан кучга кирди).***

4. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2018 йил 25 июлдаги 199-сон "Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни танлаш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

***2018 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3060. (2018 йил 29 августдан кучга кирди).***

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 5 июлдаги 176-мҳ, 28-сон "Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори.

***2018 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3061. (2018 йил 30 ноябрдан кучга киради).***

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 27 июлдаги 114, 115-В-6-сон "Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси" маблағлари ҳисобига топширилган ғалла ва шоли учун якуний ҳисоб-китоблар қилишда тўловларни амалга ошириш тартиби, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қарори.

***2018 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 657-6. (2018 йил 29 августдан кучга кирди).***

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими марказининг 2018 йил 29 июлдаги 6-мҳ, 15-2018, 8/ққ-сон "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қарори.

***2018 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1812-1. (2018 йил 29 августдан кучга кирди).***

8. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 8 августдаги 47-сон "Руҳий ҳолат бузилишини ва хулқ-атвор бузилишини ташхис қилиш ва даволаш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

***2018 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3062. (2018 йил 29 августдан кучга кирди).***

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 7 августдаги 230-сон "Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори.

***2018 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3063. (2018 йил 29 августдан кучга кирди).***

10. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 27 августдаги 02/19-10/33-сон "Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарор, шунингдек унга киритилган ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қарори.

***2018 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1840-4. (2018 йил 30 августдан кучга кирди).***

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 18 августдаги 27/5-сон "Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қарори.

***2018 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3002-1. (2018 йил 1 октябрдан кучга кирди).***

***II. Давлат реестридан чиқарилди***:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банкининг "Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси" маблағлари ҳисобига топширилган ғалла ва шоли учун якуний ҳисоб-китоблар қилишда тўловларни амалга ошириш тартиби (рўйхат рақами 657, 1999 йил 1 март), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 657-1, 2000 йил 25 февраль), (рўйхат рақами 657-2, 2002 йил 31 январь), (рўйхат рақами 657-3, 2004 йил 1 ноябрь), (рўйхат рақами 657-4, 2005 йил 8 сентябрь), (рўйхат рақами 657-5, 2009 йил 18 август).

***Адлия вазирининг 2018 йил 28 августдаги 429-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг "Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 1840, 2008 йил 4 август), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1840-1, 2014 йил 26 март), (рўйхат рақами 1840-2, 2017 йил 24 июль), (рўйхат рақами 1840-3, 2018 йил 12 февраль).

***Адлия вазирининг 2018 йил 29 августдаги 433-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport● Sport ● Спорт ● Sport ● Sport



# Ўзбекистонлик қиличбозлар муваффақияти

*Тошкентда эркаклар ўртасида қиличбозликнинг шпага тури бўйича "Сателлит" халқаро турнири ўтказилди. Ушбу нуфузли мусобақа Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси ташаббуси билан мамлакатимизда илк бор ташкил этилди.*

Тадбирнинг очилишида юртимизда қиличбозлик спортини оммалаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, Ватанимиз шарафини халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қилишга қодир истеъдодли спортчиларни тайёрлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани таъкидланди.

Мусобақада, мамлакатимиздан ташқари, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Индонезия, Покистон давлатларидан спортчилар қатнашди.

Қувонарлиси, муросасиз кечган баҳсларда ўзбекистонлик спортчилар Файзулло Алимов ва Роман Александров финалгача етиб боришди. Ҳал қилувчи жангда Файзулло Алимов 15:7 ҳисобида ғалаба қозонди ва турнир ғолибига айланди. Роман Александров эса кумуш медаль билан кифояланди. Бронза медалга эса бошқа бир юртдошимиз Нодирбек Мўминов ҳамда Индонезиядан ташриф буюрган қиличбоз Ангги Виллиансях эга чиқди.

Қайд этиш жоизки, шу йил 17-18 ноябрда пойтахтимизда ўсмир қизлар ўртасида қиличбозликнинг сабля тури бўйича Жаҳон кубоги мусобақалари ҳам ўтказилади.

**Д. ЙЎЛДОШЕВ.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# Олтита медаль, иккита жаҳон рекорди

*Ашхободда оғир атлетика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этган атлетларимиз "Жанубий" вокзалда кенг жамоатчилик вакиллари томонидан тантанали равишда кутиб олинди. Дунё биринчилигида терма жамоамиз вакиллари битта олтин, битта кумуш ва учта бронза медални қўлга киритди.*

Жумладан, нуфузли мусобақада 102 кг. вазн тоифасида Акбар Жўраев даст кўтариш бўйича 180 кг. натижа қайд этиб, олтин медалга эга чиқди. Эътиборлиси, унинг бу кўрсаткичи ёшлар ўртасида жаҳон рекорди сифатида баҳоланди. Достон Ёқубов (-67 кг.) силтаб кўтаришда 180 кг. натижа билан кумуш медални қўлга киритди.

Олимпиада ва Осиё ўйинлари ғолиби, жаҳон чемпиони Руслан Нурудинов (-109 кг.) эса даст кўтариш баҳсларида ўз имкониятларидан фойдалана олмади. Силтаб кўтаришда эса 227 кг. натижа кўрсатиб, бронза медали билан тақдирланди.

Рустам Джангабаев (+ 109 кг.) даст кўтаришда 202 кг. натижа кўрсатиб, тўртинчи ўрин билан кифояланди. Силтаб кўтаришда эса 245 кг. тошни ўзига бўйсундирди ва бронза медалига сазовор бўлди. У иккикураш якунига кўра (447 кг.) ҳам учинчи ўринни эгаллади.

Яна бир эътиборли жиҳати, -61 кг. вазн тоифасидаги баҳсларда қатнашган 19 ёшли Адҳамжон Эргашев даст кўтаришда 136 кг. тошни бўйсундириб, ёшлар ўртасида жаҳон рекордини янгилади.

# Дзюдочиларимиз — совриндор

*Тошкентда дзюдо бўйича Гран-при туркумига кирувчи халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари битта олтин, учта кумуш ва битта бронза медаль жамғарди.*

Жумладан, вазни 73 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида Ҳикматулло Тўраев шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Вакилларимиздан Диёрбек Ўрозбоев (-60 кг.), Сардор Нуриллаев (-66 кг.), Бекмурод Олтибоев (+100 кг.) кумуш, Шаҳрам Аҳадов (-66 кг.) эса бронза медални қўлга киритди.

Якунда терма жамоамиз 47 мамлакат ичида бешинчи ўринни эгаллади.

# Истеъдод ёш танламайди

*Жорий йилнинг 10-11 ноябрь кунлари Португалиянинг Сангалос шаҳрида бадиий гимнастика бўйича "Atlantic cup" халқаро турнири бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонлик ёш истеъдод эгалари юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.*

Хусусан, 2013 йилда таваллуд топган спортчилар ўртасидаги баҳсларда иштирок этган Осиё Тожиева олтин медални қўлга киритди. Гулчеҳра Собирова ҳам ғолиблар, ҳам совриндорлар қаторидан жой олди. Ҳалқа билан машқ бажаришда унга тенг келадигани топилмаган бўлса, анжомсиз машқларда бронза медаль олди. Бундан ташқари, қизларимиз кўпкураш йўналишида ҳам учинчи ўринни эгаллашди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

# Мактабгача таълим вазирлиги

## У ташкил этилганидан буён тизимда нималар ўзгарди?

*Боғча тарбиясини олган бола билан боғчага бормаган боланинг фикрлаш даражаси ўртасидаги фарқ катта бўлади. Шу боис мактабгача таълим муассасаларига 5-6 ёшли ўғил-қизларни 100 фоиз қамраб олиш чораларини кўришимиз лозим. Президентимизнинг ана шундай эзгу ғоя ва ташаббуслари асосида бугунги кунда мамлакатимизда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.*

Хусусан, янги тузилган Мактабгача таълим вазирлиги олдига шу соҳа бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тизимда давлат ва нодавлат тармоқни кенгайтириш, муассасалар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий дастур ҳамда технологияларни татбиқ этиш орқали болаларни мактабга сифатли тайёрлаш вазифалари қўйилди.

Хўш, ушбу вазифалар ижроси қандай? Мактабгача таълим вазирлиги томонидан ўтган бир йиллик фаолият натижалари таҳлилига бағишлаб ташкил этилган анжуманда шу ҳақда сўз борди.

— Вазирлик ва унинг ҳудудлардаги бошқарма ҳамда бўлимларининг ташкил этилиши эртамиз эгалари камолотида аҳамияти жиҳатидан тарихий воқеликдир, — дейди мактабгача таълим вазири Агриппина Шин. — Самарали ишлашимиз учун барча имконият мавжуд. Болаларнинг интеллектуал, ахлоқий-эстетик ва жисмонан тўкис ривожланиши учун илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда зарур шарт-шароитлар яратишга, мактабгача таълим муассасаларининг давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтиришга ҳаракат қиляпмиз.

**Анжуман**

Бугунги кунда мамлакатимизда болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиниши 27,7 фоиздан (2017 йил сентябрь) 35,4 фоизга (2018 йил ноябрь) етди. Айни дамда 890 мингдан ортиқ болалар боғчаларга қатнамоқда. Мактабгача таълим муассасалари сони янги қурилиш, қайта таъмирлаш ҳамда нодавлат секторининг жадаллик билан ривожланиши ва давлат-хусусий шериклик механизмининг жорий этилиши натижасида 5211 тадан 6607 тага етди.

Президентимизнинг шу йил 30 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида тизимда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, ходимларни моддий рағбатлантиришни янада кучайтириш, муассасаларда хавфсизликни таъминлаш бўйича муҳим чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, Ахборот ва педагогика технологиялари инновацион марказининг тузилиши таълим-тарбия жараёнида илғор педагогика ва ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, Мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизими (EMIS)ни жорий этишга хизмат қилади.

Қарорда Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, эндиликда МТМлар қатор қўшимча пуллик хизматларни кўрсатиш ҳуқуқини олишди.

Тизимда ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина. Боғчаларга болалар қамровини ошириш, айниқса, олис қишлоқ ва овулларда ана шундай масканларни қуришни кенгайтириш, мавжудларининг моддий-техника базасини, электр ва иситиш тармоқларини замон талабларига мослаштириш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, тизимда олий маълумотли кадрлар салмоғини кўпайтириш, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича муқобил, мослашувчан моделларни, эртамиз эгаларини тараққий этган мамлакатлардаги сингари ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нутқий, математик, жисмоний ва ижодий ривожлантиришга йўналтирилган махсус таълим дастурларини татбиқ этишга қаратилган ишларни изчил давом эттиришимиз лозим.

Тадбир доирасида пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 324-мактабгача таълим муассасасига медиа-тур уюштирилди. Ушбу боғча Корея Республикасининг Сожонг университети ва "New Millenium Construction" компанияси томонидан киритилган инвестиция ҳисобига тубдан таъмирланган. Муассасага шу атрофдаги маҳаллалар оилалари фарзандлари қатнайди. Ушбу боғча келгуси йили Тошкентда очилиши кутилаётган Сожонг университети филиалининг ўқитувчи ва талабалари учун кейинчалик тажриба майдончаси сифатида хизмат қилади.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:

гальванизацияланган ва полимер қопламали

ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-18, С-35, С-57

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.

Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.



ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

- 0,4 мм. — 39 700 сўм/п.м.
- 0,5 мм. — 49 800 сўм/п.м.
- 0,45 мм. — 45 500 сўм/п.м.
- 0,7 мм. — 71 000 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

- RAL 3005,6005,8017 0,45 мм. — 53 200 сўм/п.м.
- RAL 3005,6005,8017 0,5 мм. — 57 600 сўм/п.м.

Қўшимча маълумот олиш учун телефонлар: 90-996-96-63, 99-871-88-99.

872R/295

Ушбу жойда сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги РЕКЛАМА – бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй.

Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15.

E-mail: reklamaxs@mail.ru reklama@xs.uz

04


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК

«ТРАНСПОРТ МАГИСТРАЛИ ТАРМОҚЛАРИНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШ МАРКАЗИ»

АҲОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари»га мувофиқ, магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ҳамда белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
- турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли-туман чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ҳамда ишқорли эритмаларни тўкиш;
- магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулхан ёқиш ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ҳамда бошқа ишларни қатъий равишда ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА амалга ошириши лозим.

АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ! ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ҳамда бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва улардан алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар ундириб олинади.




ЭСДА ТУТИНГ! Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш ҳамда қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Транспорт магистрали тармоқларини эксплуатация қилиш маркази»нинг ҳудудий техник боғламаларига ёки магистраль алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи техник боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари:

| | |
|---|---|
| **«ТМТЭҚМ» Биринчи техник боғламаси** Тошкент ш., Қозитарнов к., 29-уй | 99-846-84-04, 99-858-84-04, 71-234-20-11, 71-235-36-59 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Биринчи линия кабель цехи** Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй | 71-265-80-43 (соат 8.00 — 17.00) 99-871-19-40 |
| **Иккинчи линия кабель цехи** Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй | 99-833-19-32, 99-890-19-31 |
| **Тошкент шаҳар кабель участкаси** Хуштепа 4-тор к., 4-уй, | 71-250-37-45 (соат 8.00 — 17.00) 99-830-19-34 |
| **Пахта кабель участкаси** Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй | 99-869-19-36 |
| **Учинчи линия кабель цехи** Нурафшон ш., Спорт к., 45-уй | 99-858-06-80, 99-893-19-37 |
| **Ангрен шаҳар кабель участкаси** Амир Темур к., 2-уй | 99-871-02-68 |
| **Бекобод шаҳар кабель участкаси** Х. Ходжимурадов 2-берк к., 18-«А» уй | 99-871-06-64 |
| **«ТМТЭҚМ» Иккинчи техник боғламаси** Қўқон ш., Янги Чорсу к., 264-уй | 99-365-03-79, 99-365-03-84 73-554-42-42 (соат 8.00 — 17.00) 73-542-34-17, 73-542-21-66 |
| **Биринчи кабель участкаси** Янгиқўрғон ш., Чустий к., 1-уй | 73-529-24-55 (соат 8.00 — 17.00) 90-556-05-58, 99-365-03-48 |
| **Иккинчи кабель участкаси** Бешариқ ш., Сирдарё к., 9-уй | 73-612-23-66 (соат 8.00 — 17.00) 99-365-03-44, 99-365-03-46 |
| **Учинчи кабель участкаси** Наманган ш., Нуробод даҳаси, телеминора | 69-225-08-82 (соат 8.00 — 17.00) 99-323-60-68, 99-324-90-08 |
| **Тўртинчи кабель участкаси** Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй | 74-223-83-81 (соат 8.00 — 17.00) 99-900-09-45, 99-900-09-35 |
| **«ТМТЭҚМ» Учинчи техник боғламаси** Гулистон ш., Мирзаобод тумани, Пиллакор қўрғони **Техник ҳужжатлар гуруҳи** | 99-475-00-05, 99-474-10-09 67-227-16-20 (соат 8.00 — 17.00) 99-473-97-99, 67-225-49-05, 67-227-00-44 |
| **Гулистон биринчи кабель участкаси** Гулистон ш., Мирзаобод тумани, Пиллакор қўрғони | 99-474-11-49, 99-470-50-04 |
| **Жиззах иккинчи участкаси** Жиззах ш., Халқлар дўстлиги к., 9-уй | 72-222-95-07 (соат 8.00 — 17.00) 99-474-60-63, 99-475-95-99 |
| **«ТМТЭҚМ» Тўртинчи техник боғламаси** Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй | 99-599-01-99, 99-599-99-00, 99-599-01-66 66-240-08-34 (соат 8.00 — 17.00) 66-442-68-15, 66-240-08-33 |
| **«ТМТЭҚМ» Бешинчи техник боғламаси** Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй | 99-707-05-54, 99-707-47-07 65-221-81-96 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Биринчи кабель участкаси** Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй | 65-221-93-72, 65-221-81-92, 65-228-53-22 (соат 8.00 — 17.00), 99-707-60-15 |
| **«ТМТЭҚМ» Олтинчи техник боғламаси** Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй | 99-954-86-86, 99-955-08-78 61-222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Нукус кабель участкаси** Нукус ш., Ашхобод к.,1 | 99-955-11-53, 99-955-68-19 |
| **Беруний кабель участкаси** Беруний ш., Туман телекоммуникация боғламаси | 99-955-43-84, 99-955-43-86 |
| **Қўнғирот кабель участкаси** Қўнғирот ш., Туман телекоммуникация боғламаси | 99-955-43-67 |
| **Жаслиқ кабель участкаси** Қўнғирот тумани, Жаслиқ аҳоли пункти, Тулей стан-си | 95-601-05-28, |
| **«ТМТЭҚМ» Еттинчи техник боғламаси** Термиз ш., Тараққиёт к., 32-уй | 99-675-11-02, 99-678-88-20 76-223-13-79 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Термиз биринчи кабель участкаси** Термиз ш.,Тараққиёт к., 32-уй | 99-675-25-64, 76-223-13-85 |
| **Денов иккинчи кабель участкаси** Денов ш., Ш. Темиров к., 4-уй | 76-224-07-65, 76-99-378-01-64 76-413-17-71, 76-224-22-11, 76-223-15-34 |
| **«ТМТЭҚМ» Саккизинчи техник боғламаси** Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй | 99-665-05-41, 99-665-52-62 75-221-02-41 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Қарши биринчи кабель участкаси** Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй | 75-221-17-25, 99-660-05-23 |
| **Ғузор иккинчи кабель участкаси** Ғузор тумани., Гулзор к., 23-уй | 95-505-05-13, 99-660-05-12 75-552-11-67 |
| **«ТМТЭҚМ» Тўққизинчи техник боғламаси** Урганч ш., Дўсов к., 2-уй | 99-965-52-55, 62-223-36-58, 99-965-28-78, 99-965-28-38 62-224-51-69 (соат 8.00 — 17.00), 95-602-18-02 |
| **«ТМТЭҚМ» Ўнинчи техник боғламаси** Навоий ш., Садоқат к., 2-«Б» уй | 95-603-07-38,(0-436) 224-74-21, 99-750-08-38, 99-750-06-88, 99-756-55-99 |
| **Биринчи Каттақўрғон кабель участкаси** Каттақўрғон ш., Чағаноқ қишлоғи | 99-750-02-42, 66-455-24-54 |
| **Иккинчи Ғиждувон кабель участкаси** Ғиждувон ш., Ғовшон қишлоғи | 95-603-33-25 |
| **Учинчи Учқудуқ кабель участкаси** Учқудуқ ш., ДЭУ қўрғони | 99-750-02-32, (0-436) 593-09-35 |
| **Тўртинчи Нурота кабель участкаси** Нурота ш., Ш. Рашидов к., 32-уй | 95-603-31-32, 99-610-69-89 |

7566/33


Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги жамоаси Агентлик бошқарма бошлиғи Артур Канга турмуш ўртоғи

**Зарифа МАТЁҚУБОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 72 518 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — Ш. Ғаффоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.55 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6